МУНИС ИЖОДИДА ЭЛТУЗАРХОН МАДҲИ

Исматиллоев Жобир Нусратулло ўғли
магистр, Қарши Давлат унверситети,
Қарши, Ўзбекистон

Аннотасия: *Ушбу мақолада Хоразм адабий муҳитининг забардаст вакилларидан бири Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ижодида ўз замонасининг маърифатпарвар ҳукмдори Элтузархоннинг маҳд этилиши атрофлича ўрганилди. Бунинг учун Мунис Хоразмийнинг "Фирдавс ул-иқбол" ("Бахту саодат жаннати") асари ва шоир девонидан ўрин олган қасидалар манба бўлди.*

Калит сўзлари: *Қасида, "Фирдавс ул-иқбол", Хоразм тарихнавислик мактаби, Мунис Хоразмий, Элтузархон, адабий муҳит.*

Аннотация: *В данной статье подробно изучено восхваление Эльтузар-хана, просвещенного правителя своего времени, в творчестве Шермухаммада Муниса Хорезма, одного из ведущих представителей литературной среды Хорезма. Источником для этого стало произведение Муниса Хорезми «Фирдавс уль-икбал» («Небеса счастья») и оды из книги поэта.*

Ключевые слова: *Касида, «Фирдавс уль-Икбал», Хорезмская школа историографии, Мунис Хорезми, Эльтузар-хан, литературная среда.*

Темурийлар давлати барҳам топгач Марказий Осиё ҳудудида дастлаб Бухоро хонлиги сўнгра, Хива хонлиги вужудга келди. Хива хонлигини 1511-1770 йилларда Чиғатой авлодига мансуб хонлар бошқарди. XIX асрнинг бошларида хонликда қўнғиротлар сулоласи мавқеи ортиб, амалда ҳокимиятни эгаллашди. Муҳаммад Аминхон ва Аваз Муҳаммадхон ҳокимиятни иноқ лавозимида туриб бошқардилар. 1804-йилда Аваз Муҳаммад вафот этгач унинг вориси Элтузархон чингизийлардан сохта хон тайинлашни тўхтатиб, ўзини расман хон деб эълон қилди. Элтузархон қисқа муддат яъни 1804-1806-йилларда хонликни бошқарган бўлсада Хоразм тарихи ва маданиятида тутган ўрни катта десак хато бўлмайди. Бу фикримизни исботловчи бир неча далиллар бор.

Аввало, у хонлик тахтига ўтириб, расман Хива хонлиги қўнғиротлар сулоласига асос солди. Хонликда Муҳаммад Аминхон ва Аваз Муҳаммадхон давридан бошлаб сиёсий тарқоқликка барҳам берилиб, иқтисодиёт юксала бошлаган эди. Хива шаҳрида бунёдкорлик авж олди. Бу ишлар Элтузархон томонидан жадаллик билан давом эттирилди. У уруғлар ўртасида низо келиб чиқмаслиги учун саройдаги лавозим ва бекликларни тенг тақсимлади. Солиқлар миқдорини камайтирди. Пойтахтнинг "Ўр" маҳалласида мадраса барпо этди. Илм, адабиёт ва санъат аҳлига эътибор кучайди.

Елтузархоннинг эзгу ишларидан яна бири шоир Мунисга Хоразм тарихини ёзиши учун берган топшириғи асосида “Фирдавс ул-иқбол” тарихий асарининг вужудга келганлигидир. Бу асар қўнғиротлар сулоласи ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

“Фирдавс ул-иқбол” анъанавий ҳамд, нат билан бошланган бўлиб, муқаддима, беш боб ва хотимадан иборат. Мунис асарда Хоразм тарихининг қадим давридан токи Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг еттинчи йилигача бўлган даврни ёзди. Унинг вафотидан сўнг асарни жияни Огаҳий якунига етказди.

“Фирдавс ул-иқбол” нафақат тарихий балки адабий манбаа сифатида ҳам қимматлидир. Негаки, унда мумтоз адабиётнинг қитъа, рубоий, маснавий, қасида, фард каби жанрларига оид шеърлар ўрин олган. Уларнинг кўпчилиги Мунис қаламига мансуб бўлса, айримларини муаллиф замондошлари ижодидан келтирган.

Мунис асарда Элтузархоннинг отаси вафотидан сўнг тахтга чиқиши, қорақалпоқлар ва ёвмитлар устига юриш қилиб, уларни мағлуб этиши, Хўжайли мудофаа деворининг бузиб ташланиши, Қўнғиротни босиб олиниши билан боғлиқ тўртта ғалабаси ҳамда Бухоро амирлиги билан ўртада низо чиқиши, хоннинг фожиавий ҳалокати билан боғлиқ воқеаларни баён қилган.

“Фирдавс ул-иқбол”да Элтузархонинг тахтга чиқишини “Ул кун тарих ҳижрий минг икки юз ўн тўққизида мувофиқи Сичқон йили шаъбон ал-муаззаманинг йигирма учи (1219-йил 23-шаъбон/1804-йил 26-ноябр)” [1:211] дея қайд этган. Ушбу сана билан боғлиқ иккита таърих келтирилган бўлиб, биринчиси Музаффар хўжа Киромий қаламига мансуб. Мунис эса бир таърих ва бир қасида ёзган. Таърих форс тилида ёзилган бўлиб, тўрт байтни ташкил этади. Асарда қасиданинг қуйидаги матлаъси келтирилган холос:

Беза, эй шоҳиди давлат, менга васлинг шабистонин,
Чароғи мажлис афрўз эт жамолинг моҳи тобонин. [2:212]

Қасиданинг тўлиқ матни шоирнинг “Мунис ул-ушшоқ” девонидан ўрин олган.

Мунис ижодига назар ташлайдиган бўлсак, у нафақат ғазалнавис, тарихчи ва таржимон шунингдек, қасиданависликда ҳам моҳирдир. У ўз замонасида яшаб фаолият юритган ҳукмдорлар, сарой аъёнларига бағишланган бир нечта қасида ёзган. Жумладан, унинг Хива хонлари Элтузархон, Муҳаммад Раҳимхон I, Оллоқулихон ва Муҳаммадризо Қушбеги мадҳ этилган қасидалари ўз даврида машҳур бўлган.

Биламизки, Мунис Хоразмий Ҳазрат Навоий шахсияти ва ижодига юксак эҳтиром билан қараган. Ҳазрат Навоийни ўзига устоз-пир санаб, ғазалларига муҳаммаслар боғлаган. Қасиданависликда ҳам Навоий анъаналарини давом эттирган. Алишер Навоийнинг ўн битта қасидаси бўлиб, туркий тилда битилган “Ҳилолия” қасидаси Султон Ҳусайннинг тахтга чиқиши муносабати билан 1469-йилда ёзилган. “Хазойин ул маоний” куллиётининг учинчи девони “Бадое ул васад”дан ўрин олган. Қасида мавзусига кўра мадҳ, тузилиши жиҳатидан тўлиқ қасида саналади…[3:363]

Алишер Навоийнинг “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) номли қасидалар тўплами таркибидаги “Саратон” (“Ёз”) қасидаси ҳам Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган.

Мунис Хоразмий девонида Элтузархонга бағишланган иккита қасида кетма-кетликда берилган. Улар услубига кўра мадҳ қасида саналади. Биринчи қасида қирқ етти байтдан иборат. Мунис шоҳни улуғ сифатлар билан мадҳ этиб, унинг етимпарвар, дарёдил ва саҳоватпешалигини алоҳида таъкидлайди. Қуйидаги байтлар ҳам юқоридаги фикримизни далилдир:

Заҳий ҳамида хисолингки етмас анга малол,
Фақирларға ато айлабон фаровон мол.
Вужуди Элтузар оти каби жаҳон малики,
Ажаб йўқ ўлса агар равза инфионийға дол. [4.270]

Девондаги иккинчи, “Фирдавс ул-иқболда” матласи келтирилган қасида хоннинг тахтга чиқиши муносабати билан ёзилган бўлиб, қирқ тўрт байтдан иборат.

Шоир ҳукмдорни мадҳ этар экан, унинг салтанат тизгинини қўлга олишини жаҳонда ҳаётнинг янгидан бошланиши, кўкламнинг файзу баракотидан қаҳратон қишнинг чекинишига қиёс этади:

Жаҳон бир касб этди, йигитликни янги бошдан,
Баҳор баст қилди файзу офоқи зимистонин.[5:274]

Ушбу қасидада подшоҳлар мадҳ қилинган анъанавий қасидалар каби байтларда ҳукмдор улуғланади. Элтузархоннинг фисқу-фасодга барҳам бериши улус–халқнинг даҳр зиндонидан озод бўлиб, жаннат гулшанига эришгани, залолатпешалар яъни залолатни касб қилганларга қарши аёвсиз кураши Нуҳ тўфонига қиёс этилади.

Мунис хонлик тарихига доир асарида Элтузархон лашкарларининг Бухоро амирлиги қўшини билан тўқнашуви хусусида батафсил ёритган. Мағлубиятга хонлик қўшини таркибидаги уйғурларнинг жангни ташлаб қочиши сабаб бўлган. Муаррих Элтузархон ва амалдорларининг дарёда чўкиб ҳалок бўлгани тафсилотларини акаси Муҳаммадниёз миробнинг мулозимидан эшитгани бўйича баён қилади. Ушбу баёнда келтирилишича Хива қўшини мағлубиятга учрагач, душманга асир тушмаслик учун хон ва аъёнлари дарёнинг нариги қирғоғига ўтиш мақсадида кемага чиқишга ҳозирланадилар. Бу пайтда баъзи лашкарлар ҳам қирғоққа етиб келиб, кемага чиқишни сўрайдилар. Аъёнлар Элтузархоннинг хавфсизлигини ўйлаб, кема юки оғирлашиб чўкишидан хавотирланиб монъелик қилсаларда, хон ғоят шафқатли ва фуқаропарвар бўлгани учун уларни кемага олади. Ногаҳон шамол эсиб, кема йигирма газ сузгач чўкиб кетади. Икки-уч кишигина омон қолади. Элтузархон билан Мунисниг акаси Муҳаммадниёз мироб ҳам ҳалок бўлади.

Мунис хоннинг икки йилу икки ой йигирма уч кун ҳукмронлик қилгани, 37 йил умр кўргани ва ундан икки ўғил ва бир қиз фарзанд ёдгор қолганини қайд этади. Муаррих Элтузархоннинг ҳалокатли ўлими хонлик учун катта йўқотиш эканини маснавийда ифодалар экан, унинг дарёга ғарқ бўлгани, жаҳон аҳлининг мусибат денгизига ғарқ бўлишига сабаб бўлди деб ёзади:

Гар ул қилди дарёйи раҳматга ғавс,
Жаҳон этди баҳри мусибатга ғавс.
Гар ул васли ҳақ дуридин олди ком,
Фироқида дур тўкти тамом.

Шоир, тарихчи ва давлат арбоби Шермуҳаммад Мунисниг “Фирдавс ул-иқбол” асари билан бир қаторда бадиий жиҳатдан етук қасидалари Хива хонлиги қўнғиротлар сулоласи даври тарихини ва маданиятини ўрганишда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади. Хонлик адабий муҳитининг пешқадам шоири бўлган Мунис ижодидан илҳомланиб бошқа шоирлар ҳам ҳукмдорларга бағишланган гўзал қасидалар яратиб, Мунис анъанасини давом эттирдилар. Жумладан, Огаҳийнинг Муҳаммад Раҳимхон 2 (Феруз)нинг тахтг чиқиши муносабати “Қасидаи насиҳат”ни ёзди. Бу қасидаси ҳукмдорни мадҳ этиб, улуғлашдан кўра унга давлатни бошаришда адолатли сиёсат юритиш, эл-улусни рози қилиш борасидаги панд-насиҳатлар бериш яққол намоён бўлади. Бу ижод аҳлининг мавқейи тобора юксалиб борганидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1., 2.Мунис ва Огаҳий Фирдавс ул-иқбол.– Т.:Янги аср авлоди, 2010. 520 б.

3.Сирожиддинов Ш. ва бошқ. Навоийшунослик [матн]–Тошкент: Академнашр, 2020. –576 б 4., 5.Мунис Хоразмий Мунис ул-ушшоқ девон тошбосма.